

“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси бош
инженери



С.С. Сагдиев

2022 й.

**“Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳар, Сергели, Бектемир,
Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган 38 та
махалла ҳудудларидаги асосий ва ички кўчаларни ёритиш
тизимларини реконструкция қилиш”
объекти бўйича ишчи лойихани ишлаб чиқиш юзасидан**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент ш. – 2022й.

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
1	Объект номи	“Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳар, Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган 38 та маҳалла ҳудудларидаги асосий ва ички кўчаларни ёритиш тизимларини реконструкция қилиш”
2	Лойihalаштириш учун асос	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 17.01.2022й.даги VI-54-1-14-0-К/22-сонли қарори; Тошкент шаҳар хокимининг 18.01.2022й. даги 38-14-0-Қ/22-сонли қарори
3	Қурилиш, реконструкция ишлари олиб бориладиган ҳудудлар	<p>Тошкент шаҳар, Сергели тумани: "Чорбоғ", "Беларик", "Файзли", "Жалоир", "Номданак", "Қумарик", "Ҳонобод тепа", "Тараққиёт", "Қорасув", "Ҳонобод", "Қушбеги", "Сохибқор", "Истиқбол", "Нурафшон" МФЙ.</p> <p>Тошкент шаҳар, Бектемир тумани: "Бектемир", "Нурафшон", "Янгиҳаёт", "Алишер Навоий", "Гулбоғ" МФЙ.</p> <p>Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани: "Геофизика", "Алишеробод", "Чингелди", "Дўстлик", "Тараққиёт", "Барқамол", "Амир Темур", "Мевазор", "Боғишамол", "Ватанпарвар", "Гулбоғ", "Гулзор-1", "Пастки юз" МФЙ.</p> <p>Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани: "Ташишти", "Миришқор", "Арғин", "Баҳор", "Чинор", "Тавкентепа" МФЙ.</p>
4	Қурилиш тури	Реконструкция
5	Буюртмачи ва унинг адреси	Тошкент шаҳар хокимиятининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси Тошкент шаҳар, Ислоҳ Қаримов проспекти 16а-уй

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
6	Бош лойиха ташкилоти	Танлов асосида аниқланади
7	Бош қурувчи пудрат ташкилоти	Тендер савдолари асосида аниқланади
8	Лойихалаштириш босқичи	Ишчи лойиха
9	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет маблағлари
10	Қурилишнинг бошланиш ва яқунлаш муддати	2022 - йил
11	Қурилиш объектининг характеристикаси, сейсмикаси, ер чўқувчанлик гуруҳи, объектнинг бугунги кундаги геологик ва мелиоратив ҳолати	Сейсмиклик даражаси ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади.
12	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>12.1. Архитектура - режалаштириш топшириқлари – буюртмачи тақдим этади;</p> <p>12.2. Объект ҳудуди ва зарур бўлган участкалари бўйича, бош лойиха ташкилотини талаблари асосида топосъемкалар тайёрлаш – буюртмачи тақдим этади;</p> <p>12.3. Лойиха-смета ҳужжатларини давлат шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>12.4. Лойихани экологик экспертизадан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>12.5. Лойиха-смета ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш марказидан экспертизадан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>12.6. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш (ишчи лойиха) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>12.7. Лойиха-смета ҳужжатларига киритиш учун муҳандислик ва технологик жихозларни танлаш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
12	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>12.8. Объект бош планини ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>12.9. Зарур ҳолларда объектдаги мавжуд бино ва иншоотлар ҳамда муҳандислик коммуникацияларини техник инструментал кўриқдан ўтказиш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>12.10. Зарур ҳолларда объектдаги мавжуд бино ва иншоотлар ҳамда муҳандислик коммуникацияларини техник кузатувдан ўтказиш (визуальное обследование) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>12.11. Лойихалаштириладиган ер усти иншоотларини экстерьер дизайнини, жумладан тунги кўринишини ишлаб чиқиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>12.12. Лойиха -смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар, жумладан Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси, Энергия назорати ташкилотлари, “Тошшаҳарнур” ДУК, маҳалла фуқаролар йиғини билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>12.13. Лойихани атроф-муҳитга таъсири бўйича ҳулоса ишлаб чиқиш (ЗВОС) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>12.14. Лойихани Шаҳарсозлик Кенгашидан ўтказиш ва ҳулоса олиш – лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>12.15. Объектни лойихалаштириш билан боғлиқ айрим лойихаолди ҳужжатларини тайёрлаш – лойиха ташкилоти бажаради буюртмачи билан ўзаро келишган ҳолда;</p> <p>12.16. Лойихалаштириш жараёнида техник кенгашлар ва тегишли ташкилотлар билан учрашувлар ўтказиш – буюртмачи ва бош лойихачи томонидан ташкиллаштирилади.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
13	Шахарсозлик талаблари	<p>13.1. ШНҚ 2.07.01-03. асосан қурилиш-монтаж ишлари жараёнида бузилган йўл ва тротуарлардаги қопламаларини қайта тиклаш.</p> <p>13.2. Лойихалаштириладиган тармоқлар ва иншоотларни муҳофаза ҳудудини таъминлаш.</p> <p>13.3. Лойихалаштирилаётган объектга яқин бўлган мавжуд коммуникациялар ва иншоотларни муҳофаза ҳудудини таъминлаш.</p> <p>13.4. Объект бош планини ишлаб чиқиш.</p>
14	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	<p>14.1. Лойихалаштириш ишларида ушбу лойихалаштириш топшириғи, қурилиш нормалари, техник текширув натижалари ва буюртмачи талаблари эътиборга олинсин.</p> <p>14.2. Лойиха ишларига қўшимча талаблар ёки лойиха ишларига ўзгартириш киритиш фақат буюртмачининг расмий мурожаатига ҳамда лойиха ташкилотининг асосли таклифига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>14.3. Ёритиш устунлари (столбалар), кронштейнлар, светильниклар, электр кабеллари, симлари, бошқарув шкафлари ва бошқа жихозлар тури, маркаси, ўлчамлари лойиха асосида аниқлансин.</p> <p>14.4. Ёритиш устунлари (столбаларни) ва бошқа жихозларни ўрнатиш жойлари маҳалла ҳудудида бугунги кундаги йўл-транспорт ситуациясига қараб лойиха асосида аниқлансин.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
14	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	<p>14.5. Ташқи ёритиш системаси яқин-атрофдаги маданий-маиший, турар-жой, савдо объектларига ва йўл-транспорт инфраструктурасига салбий таъсир этмайдиган холда лойихалаштирилсин.</p> <p>14.6. Лойихада электр хавфсизлиги кўзда тутилсин. Электр жихозлари, тармоқлари болалар қўли етмайдиган этиб жойлаштирилсин, хавфсизлик панжаларлари, заземления, бошқарув шкафларини ишончли кулфланиши масалаларига алохида эътибор берилсин.</p> <p>14.7. Ташқи ёритиш тармоқлари ва жихозларида зарур бўлган маълумотлар кўрсатилган табличкалар кўзда тутилсин.</p> <p>14.8. Лойихада энергия тежамкор материаллар, жихозлар ва зарур бўлганда қуёш энергиясида ишлайдиган системалар кўзда тутилсин.</p> <p>14.9. Объект лойихасида инновацион ташқи ёритиш системалари, шу жумладан автоматик, дистанцион бошқариладиган системалар кўзда тутилсин.</p> <p>14.10. Объектни электр таъминоти улаш нуқталари ва бошқа талаблари тегишли ташкилотларни, жумладан “Тошкент ЭТК” ва “Тошшахарнур” ДУК техник шартлари асосида амалга оширилсин. Техник шартларни олиш учун лойиха ташкилоти томонидан керакли қувватлар хисоблаб чиқилиб буюртмачига тақдим этилади;</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
14	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	<p>14.11. Объект жорий нархи ШНК 4.01.16-09 ва бошқа норматив хужжатлар талаблари асосида ҳисоблансин. Смета хужжатларини тузишда ресурслар нархи қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган каталог, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтидаги (stat.uz) қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлари ҳамда ўртача иш ҳақи кўрсаткичларидан, ишлаб чиқарувчилар прайс-листлари ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа манбаалардан фойдаланилсин.</p> <p>14.12. Лойиха албомларида объектда ўрнатиладиган барча жихозлар, материаллар ўрнатиш жойлари, тармоқларни уланиш нуқталари, траншеялар ва материал, жихозлар спецификациялари кўрсатиб ўтилсин.</p> <p>14.13. Лойихалаштириш жараёнида илғор чет эл тажрибаси ҳам ўрганилсин.</p>
15	Технологик процесслар ва жихозларга қўйиладиган талаблар	<p>15.1. Лойихада замонавий, энергия тежамкор ва инновацион муҳандислик жихозлари қўллансин;</p> <p>15.2. Лойихада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган кабеллар, симлар, трубалар, изоляция материаллари, столбалар, светильниклар, лампалар ва бошқа конструкцияларидан фойдаланиш кўзда тутилсин.</p>
16	Экология, табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар	<p>16.1. Лойихани атроф-муҳитга таъсири бўйича хулоса ишлаб чиқиш (ЗВОС) – лойиха ташкилоти томонидан тақдим этилади;</p> <p>16.2. Лойихада дарахт ва буталарни кесилишига йўл қўйилмасин.</p>

№	Асосий маълумотлар ва кўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва кўйиладиган талаблар
17	Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича чоралар	Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг талаблари асосида.
18	Ёнғин хавфсизлиги талаблари	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
19	Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	Ташқи муҳандислик тармоқлари лойихаси АРТ-2 қисм ва техник шартларга асосан ишлаб чиқилсин; Электр тармоқлари техник шартларга асосан бажарилсин. Ушбу тармоқларни объектдан улаш нуқталаригача бўлган масофасини иқтисодий томонлари ҳам ўрганилсин.
20	Буюртмачига тақдим этиладиган ЛСХ ҳажми	ШНҚ 1.03.01-08га асосан: - ишчи лойиха - 3 экземпляр; - ишчи лойиха электрон версияси ПДФ форматида - 1 лазер дискда; - смета ҳужжати – 1 экземпляр; - смета ҳужжатини электрон варианты – 1 лазер дискда; - иллюстратив материаллар, жумладан экстерьер дизайн ишлари, кундузги ва тунги кўриниш билан юқори сифатли глянец қоғозларда А3 форматли альбом шаклида – 1 экземпляр; - иллюстратив материаллар электрон версияси – 1 лазер дискда;

“БУЮРТМАЧИ”:

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бирламчи рухсат берувчи, лойиха ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

Ш. Қодиров

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “ЯБХ” ИК бирламчи рухсат берувчи, лойиха ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси

Ф. Рихсиллаев